# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 14-SENTABR, JUMA, 108 (8033) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Қишлов учун озуқа захирасини яратиш чорвачиликда муҳим юмуш саналади. Бу борада шофирконлик чорвадорларга туман омихта ем сотиш бирлашмаси яқин кўмакчи вазифасини ўтаяпти. Режалаштирилган озуқа захирасининг яратилиши туманда чорва қишловининг муваффақиятли ўтишига хизмат қилади.

2



Банк томонидан мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари кўп бўлган чекка ҳудудларидаги тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга сармоялар йўналтирилаётир. Бунда асосий эътибор маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларига қаратилаётир.

3



Банклар томонидан янги омонат турлари таклиф этилмоқда. Ушбу омонатлар «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан кафолатланган бўлиб, уларга маблағлар қабул қилиш давом этмоқда.

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференция иштирокчилари 13 сентябрь куни Бухорода бўлиб, бу ерда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, боқий шаҳарнинг оламга донғи кетган тарихий ва меъморий обидалари билан танишдилар.**

# ЎЗБЕКИСТОН ОҚИЛОНА ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ САМАРАСИДА БАРЧА СОҲАЛАРДА УЛКАН ЮТУҚЛАРГА ЭРИШМОҚДА

### *Халқаро конференция иштирокчилари Бухорога ташриф буюрди*

Бухоро вилоятида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай ислоҳотларнинг самарасида барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 8,2 фоиз ошди. 2002 йилда вилоятда 15 минг 848 кичик бизнес корхонаси фаолият юритган бўлса, 2012 йилга келиб уларнинг сони 27 минг 603 тага етди.

«Президент Ислом Каримов юритаётган оқилона иқтисодий сиёсат самарасида бугун Ўзбекистон барча соҳаларда улкан ютуқларга эришмоқда, – дейди Япониянинг Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлар институти ижрочи директори, Кукушикан ва Такушоку университетлари фахрий профессори Тетцужи Танака. – Ўзбекистон бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш йўлини танлагани ғоят оқилона иш бўлган. Зотан, бу йўл мамлакатингизда иқтисодиётни, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожининг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир. Мамлакатингизнинг барча ҳудудларида хусусий секторни равнақ топтиришга катта эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдик. Мен Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва эркинлаштириш мақсадида қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар ҳар томонлама пухта ҳужжатлардир. Бу мазкур тармоқнинг мунтасил ривожланишига хизмат қилаётир. Қадимий шаҳарларингизнинг ўзгача тароватu ва файзи бор. Улар орасида Бухоро алоҳида ажралиб туради. Бу заминдан жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган кўплаб алломалар етишиб чиққанлиги эътиборга молик.»

Вилоятда тижорат банклари томонидан бизнес лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. 2002-2011 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 18 баробар кўпайди. Натижада соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши мунтазам ошиб бормоқда. 2002 йилда бу рақам 35 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда у 65,7 фоизга етди. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 19,9 фоизга, қишлоқ хўжалигида 98,3 фоизга, қурилишда 64 фоизга, чакана савдо айланмасида 44,5 фоизга, экспортда 13 фоизга етди. Иш билан банд аҳолининг 77 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда.

«Конференция доирасида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилиш имконияти туғилганидан ғоят мамнунман, – дейди Нью-Йорк давлат университети профессори Ахим Коддерманн. – Ўзбекистонда шаҳарлар инфратузилмасини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари таҳсинга сазовор. Ишлаб чиқариш субъектларида бўлиб, корхоналарда нафақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, балки уларни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлдик. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга нақадар катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Юртингизда оилавий қадриятларнинг мустаҳкамлигига ҳавасим келди. Ўзбекистондан бу борада ҳам ўрнак олса арзигулик жиҳатлар жуда кўп.»

Халқаро конференция иштирокчилари Бухоро шаҳридаги санъат коллежи фаолияти билан танишдилар. Бу ерда 14 йўналиш бўйича 6 кафедра фаолият юритмоқда. Санъат кафедраси – улардан бири. Бу кафедрада Бухоро халқ амалий санъатига хос йўналишлар – мис ва ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, зардўзлик, гиламдўзлик бўйича мутахассислар тайёрланади. Мазкур йўналишларда билим олаётган ва ижод сирларини эгаллаётган ўқувчилар орасида турли кўрик-танловларнинг ғолиб ва совриндорлари кўп. Меҳмонлар ана шундай истеъдодли ёшлар яратган буюмлар кўргазмаси билан танишдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

Фарғона вилояти

# БУНЁДКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

## БУ ЖАРАЁНДА ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИНГ ҲАМ МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР

**Истиқлол бизга жуда кўп имкониятлар берди. Янгиланиш, бунёдкорлик ишларини қаранг! Кун сайин чирой очаётган гўшалар, янги-янги иморатлар... Буларнинг барчаси истиқлол шарофатидан.**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари қурилиш саноатини ривожлантириш, шунинг баробарида янги иш ўринлари яратилишига асос бўлаётир. Айниқса, қишлоқ жойларда қурилаётган замонавий, кўркам уйлар, ижтимоий инфратузилма объектлари бунёд этиш кўламининг кенгайиши, ушбу ҳудудларга ҳам саноатнинг кириб келишига омил бўлди.

Қувасойдаги "Building materials production and trading group" Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси қурилиш объектларига сифатли маҳсулот етказиб бераётган субъектлардан. Қурилиш бозорида ўз мавқеига эга корхонада томларни ёпиш учун шифер ишлаб чиқарилади. Бу ерда ўрнатилган замонавий технологиялар иш суръатининг ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Маҳаллий хомашёдан тайёрланган, халқаро андозаларга мос қурилиш материалларига истеъмолчилар талаби катта.

(Давоми 2-саҳифада)



*Суратда: Қувасойдаги «Building materials production and trading group» Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси ишчиси Раҳмонали Файзуллаев.*

Кунинг муҳим воқеалари

▶ Андижон шаҳрида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида "Камолот-ТУР" веломарафонининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда таълим муассасалари ҳамда ҳаваскор жамоалардан 150 нафар ёш велоспортчи иштирок этди.

▶ **Ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида ўтаётган «Тошкент опен – 2012» анъанавий халқаро теннис турнирининг ярим финалига йўл олди.**

▶ Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятдаги ўрни" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

▶ **Андижон вилояти Олтинкўл туманида янги туғуруқ мажмуи қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

▼ КЎРГАЗМА

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ НЕГИЗИ

## ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "ЎЗЭКСПОМАРКАЗ"ДА "ТЎҚИМАЧИЛИК УСКУНАЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ – CAITME – 2012" ВА "ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ – TEXTILE EXPO UZBEKISTAN – 2012" МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАРИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси, "Осиё рамзи" Ўзбекистон дизайнерлар ва модельерлар уюшмаси, Савдо-саноат палатаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида ITE Uzbekistan халқаро кўргазма компанияси ҳамда ITE компаниялар гуруҳи (Буюк Британия) томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмаларда тўқимачилик саноати салоҳияти намоён бўлмоқда.

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, енгил саноат ҳам тараққий этиб бормоқда. Юртимиз енгил саноати, хусусан, тўқимачилик тармоғи иқтисодиётимизнинг жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир. Соҳанинг равнақ топиши, жадал ривожи унга қаратилаётган эътибору берилаётган имкониятлар, яратиб берилаётган шароитда. Буни қуйидаги рақам ҳам ифодалайди; мустақиллик йилларида мазкур тармоққа 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя жалб қилинди.

Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Қарори соҳани тараққий эттиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ана шундай омиллар натижасида қисқа вақт ичида республикамизда нафақат ип, сур газлама ва трикотаж полотно, балки тикувчилик-трикотаж саноати учун жаҳон стандартларига жавоб берадиган ҳамда хорижий маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша оладиган тайёр трикотаж буюмлари, шунингдек, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкони юзага келди.

Мазкур кўргазмалар эса мутахассисларни тўқимачилик, трикотаж ва тикувчилик соҳасидаги янги технологиялар, ютуқлар ҳамда ишланмалар билан кенг таништириш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация ҳамда реконструкция қилиш бўйича муҳим қарорларни қабул қилиш, ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлиги ва экологик хавфсизлигини таъминлашга ёрдам бермоқда. Шунингдек, соҳа мутахассислари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтирмоқда, тўқимачилик, енгил саноат учун ускуналар, технологиялар ва материаллар ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчиларни ўзига жалб этмоқда.






Кўргазмалар давом этмоқда.

**Анвар ҚУЛМУРОДОВ,**
**«Qishloq hayoti» мухбири**

*ЎзА олган суратлар*

# ЎЗБЕКИСТОН ОҚИЛОНА ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ САМАРАСИДА БАРЧА СОҲАЛАРДА УЛКАН ЮТУҚЛАРГА ЭРИШМОҚДА

**(Боши 1-саҳифада)**

«Бухорога сафаримиз жуда мазмунли бўлди, – дейди Германиянинг Магдебург университети профессори Хелене Кнайп хоним. – Юртингиз одамларининг меҳмоннавозлик анъаналари ва самимий муомаласи, ширинсуханлигига мафтун бўлдим. Айниқса, Бухородаги санъат коллежи ўқувчиларининг санъатга юксак меҳри, турли мусиқа асбобларида гўзал куйларни маромига етказиб ижро этиши, шунингдек, зардўзлик ва гиламдўзлик, рассомлик бобидаги маҳорати мени лол қолдирди. Шинам ва ёруғ хоналарда таҳсил олаётган ёшларнинг ақл ва заковатига ҳавас қилмасдан илож йўқ. Ўзбекистоннинг нафақат пойтахтида, балки барча ҳудудларида халқаро стандартларга жавоб берадиган таълим муассасалари барпо этилгани ва сифатли ўқув тизими яратилганини алоҳида қайд этишни истардим. Ўзбекистон ёшларининг ўз ишига масъулият билан ёндашишини кўриб, уларнинг ўз Ватанига содиқ фарзандлар эканига ишонч ҳосил қилдим.»




Меҳмонлар Бухоро шаҳрининг диққатга сазовор жойларида бўлиб, халқимизнинг бой тарихидан ҳикоя қилувчи қадимий обидалар, маданий ёдгорликлар, шунингдек, шаҳарда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилган «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи, Бухоро вилояти мусиқали драма театрини ўз ичига олган «Бухоро маданий маркази» мажмуи анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

«Бугунги кунда Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги алоқалар кўплаб соҳалар қатори хусусий сектор йўналишида ҳам жадал ривожланмоқда, – дейди Ўзбекистон – Буюк Британия савдо ва саноат кенгаши ҳамраисининг ўринбосари, "Pathfinder Trade&Invest" компанияси бош ижрочи директори Майкл Томас. – Ўзбекистон улкан сайёҳлик салоҳиятига, бой тарих ва маданиятга эга мамлакатдир. Самарқанд, Бухоро каби қадимий шаҳарлар, улардаги бетакрор обида ва ёдгорликлар бутун дунё сайёҳларини ўзига тобора кенг жалб этмоқда. Бухородаги "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументини, вилоят театрининг янги биносини кўриб, мамлакатингизда буюк алломаларнинг бой маданий ва маънавий меросини асраб-авайлашга, олиб борилаётган бунёдкорлик ишларининг юксак самараларига гувоҳ бўлдик. Ўзбекистонда илм-фани ва маданияти қадимдан ривожланган бундай тарихий шаҳарлар кўп. Шу боис мамлакатингизнинг дунё цивилизацияси ривожидаги ўрни бекиёс эканини бутун жаҳон эътироф этган. Зеро, мамлакатингиздаги қадимий ёдгорликларни кўрган ҳар бир киши Ўзбекистоннинг тарихи бой, келажаги эса буюк эканига ишонч ҳосил қилади.»

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Ирода УМАРОВА,**
**Эркин ЁДГОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

Хоразм Вилояти

▼ МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНГАНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Бекчан Исмоилов 40 йилдирки, "Полвон-Ғазовот" ирригация тизимлари бошқармасининг Қўшкўпир тумани бўлимида экскаваторчи бўлиб ишлайди. Ўзининг интилувчанлиги, изланувчанлиги ва ҳалоллиги билан ҳамкасблари орасида обрў қозонди. Фемеру деҳқонларнинг, миришкору соҳибкорларнинг кўмакдошига айланди. У Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги байрами муносабати билан Президентимизнинг Фармонига кўра, "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди.

# ҚАДРЛАНГАН МЕҲНАТ — ЭНГ ЯХШИ РАҒБАТ

— Хушхабарни эшитиб, севинганимдан бошим кўкка етди, — дейди Бекчан Исмоилов. — Мен каби оддий касб эгасининг камтарона меҳнатларини қадрлаб, шундай юксак мукофотга муносиб кўрганликлари учун Юртбошимизга раҳмат.

— Бекчан Исмоилов ишига сидқидилдан ёндашади, — дейди "Полвон-Ғазовот" ирригация тизимлари бошқармаси бошлиғи Омонбой Пиржонов. — Касбининг сир-асрорларини яхши билади. Унинг Президентимиз томонидан мукофотланиши жамоамизни ҳам қувонтириб юборди. Ҳалол меҳнатнинг машаққати ерда қолмаслигини англаб етдик. Бундан руҳланган Бекчан Исмоилов айни кунда "Тўқайсп" каналида кунига 1500 куб метргача тозалаш ишларини бажариб, жамоа ходимларига ўрнак бўлаётир. "Хонобод-2", "Кенагас", "Зейеп" каналларини лойқалардан тозалаш ва таъмирлаш ишларида жонбозлик кўрсатмоқда.

Қаҳрамонимизнинг айтишича, у болалигиданоқ экскаваторчи бўлишни орзу қилган.

— Уйимиз яқинида ботқоқликлар бўларди, — дейди Бекчан ака. — Тенгдошларим билан мол-қўй боқардик, балиқ овлардик. Айниқса, у ерлар экскаватор келганида болаларнинг томошагоҳига айланарди. Ўша заҳотиёқ мен ҳам ўртоқларим билан томошага югурардим.

Ҳа, Бекчан аканинг болаликдаги бу қизиқиши уни Хивадаги экскаваторчилар тайёрлаш курси томон етаклади. Устозлари берган сабоқларни кунт билан ўрганди. Курсни тугатиб, туманда иш бошлади. Бу жараёнда ёш механизаторга устозларидан олган билимлари жуда қўл келди. Бугун эса истиқлол туфайли меҳнати қадр топган Бекчан Исмоиловнинг эл-юрт ободлиги, мамлакат тараққиётига ҳиссаси қўшилаётганидан кўкси осмонда.

Қўшкўпир туманида амалдаги йилда 227,7 километр канал ва 220,5 километр ички каналлар сифатли тозаланганлиги боис, аҳоли томорқалари ва фермер хўжаликларига оби-ҳаёт ўз вақтида етиб борди. Шу сабабли боботдеҳқонларнинг далаларида бу йил ҳосил ҳар қачонгидан мўл бўлди. Бепоён майдонларнинг бир томонида қийғос очилган ғўзалар ва иккинчи томонида барқ уриб ўсаётган шоли майсалари улкан хирмондан дарак бериб турибди.

— Бундай улкан хирмонлар эътиборнинг маҳсули, — дейди Бекчан ака. — Президентимиз раҳбарлигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маҳсули. Мелиорация соҳасидаги ишларни олинг. Юртбошимизнинг алоҳида эътибори — Фармони билан ерларимиз дарддан форинғ бўляпти. Бунинг учун олиб келинаётган замонавий техникаларни айтмайсизми?! Шундай шароитда меҳнат қилмай бўладими?! Яна денг, озгина меҳнатингга катта эътибор кўрсатиб турилса, руҳланиб кетар экансан. Юртга, элга хизмат қилиш иштиёқи билан ёнар экансан...

**Холмурод ҚУРБОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

# МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАСИ МАҲСУЛОТ СИФАТИДА НАМОЁН

**Миллий матбуот марказида "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси томонидан "Тармоқда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.**

Бугун Ўзбекистон дунёда барқарор ва жадал ривожланиб бораётган мамлакатлар қаторига киради. Юртимизда ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, янги корхоналар ташкил этиш, фаолият кўрсатаётганларини модернизация қилиш, муҳим соҳаларга инвестициялар жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш йилдан-йилга ортиб боряпти.

Биргина "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси тизимида 2011 йилда 31 миллиард сўмдан ортиқ қийматга эга бўлган 51 та инвестицион лойиҳа амалга оширилган бўлса, жорий йил охиригача 43 миллиард сўмдан ортиқ қийматга эга бўлган инвестиция лойиҳасини амалга ошириш назарда тутилган.

Германиянинг "Wachtel" компанияси билан олиб борилган музокараларда 2012-2013 йилларда юртимизга ушбу компаниянинг 100 дан ортиқ технологик линияларини олиб келиш, бунда асосий эътиборни олиб келинадиган ускуналарнинг айрим қисмларини маҳаллийлаштириш дастури асосида республикамизда ишлаб чиқарилишини ташкил қилиш келишиб олинди. Соҳада техник ва технологик янгиланишлар рўй бераётгани баробарида кўплаб янги иш ўринлари яратилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда компания таркибидаги корхоналарда 2012 йилда касаначилик ва янги иш ўринлари ташкил этиш Дастури тасдиқланган.

Мазкур Дастурга биноан жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида 764 та касаначилик ва 70 та инвестиция дастурлари асосида иш ўринлари ташкил қилинди.

Таъкидлаш жоизки, иш ўринлари яратиш, янги ишлаб чиқариш цехларини қуриш билан бир қаторда бошқа йўналишлар, жумладан, озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, пайнет хизмати, ошхона, тикувчилик цехлари, пойабзал таъмирлаш устахоналари ва бошқаларни ташкил этиш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва боғдорчиликни ривожлантириш ҳисобига амалга оширилмоқда.

Бунда асосий эътибор зарур билим, кўникмага эга бўлган касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилмоқда.

Тизимдаги корхоналарда амалиёт ўтаётган ўқувчиларга тажрибали мутахассислар бириктирилиб, "устоз-шогирд" анъанаси йўлга қўйилди. Барча корхоналар ва коллежларда ўқув хоналари ташкил қилиниб, улар тегишли техникалар, ўқув қуроллари, соҳага оид дарсликлар, лаборатория жиҳозлари ва бошқа ускуналар билан жиҳозланди.

Касб-ҳунар коллежи битирувчиларини корхоналардаги мавжуд бўш иш ўринларига жойлаштириш мақсадида жойлардаги "Бандликка кўмаклашиш марказ"лари билан биргаликда "Бўш иш ўринлари ярмарка"лари ҳам ўтказилди. Жорий йилнинг сентябригача касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 715 нафари тизим корхоналарига ишга қабул қилинди. Шулар хусусида матбуот анжуманида атрофлича сўз юритилди.

**Раимкул СУЯРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сирдарё Вилояти

**Сайхунобод тумани Робот қишлоғидаги "Сайхун савдо файз" хусусий фирмаси қошида Хитой технологияси билан жиҳозланган маъданли сувни қадоқлайдиган янги цех ишга тушди. Мазкур цехда ҳозирда 5 литрлик газланган ҳамда 1 литрлик газланмаган "Витал" яхна ичимликлари ишлаб чиқарилмоқда.**

# ҚИШЛОҚДА ЯНГИ КОРХОНА ИШ БОШЛАДИ

– "Агробанк" нинг Сайхунобод туман бўлимидан 180 миллион сўм кредит олиб ушбу цехни ишга туширишга муваффақ бўлдик, – дейди "Сайхун савдо файз" хусусий фирмаси раҳбари Камол Сарибоев. – Эндиликда цех фаолиятини кенгайтириб яна беш хил рангдаги минерал сувни қадоқлашни йўлга қўйиш ниятидамиз.

Айни вақтда бир кунда 1300 дона бир литрлик ҳажмда газланган ҳамда 1000 дона газланмаган беш литрлик ҳажмдаги идишларда маъданли сув қадоқланаётган ушбу цехда 25 нафар ёшлар меҳнат қилаётир. Робот қишлоғининг "Витал" шифобахш сувлари республикамизнинг кўплаб ҳудудлари, жумладан, Сирдарё, Тошкент ва Жиззах вилояти савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

▼ ЭКОЛОГИЯ

**Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамкорлигида атроф-муҳит муҳофазаси, аҳоли саломатлигини сақлаш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва аҳоли фаоллигини ошириш йўналишидаги навбатдаги грант танловига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.**

# АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ ВА САЛОМАТЛИК

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Экоҳаракат марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси Б.Алихонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори А.Тўраев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган кенг кўламли вазифалар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани атроф-муҳитни муҳофаза қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ролини юксалтириш, барқарор ривожланишга эришишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ҳозир мамлакатимизда экология ва саломатлик йўналишига ихтисослашган икки юздан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият юритмоқда. Улар томонидан аҳоли, хусусан, ёшларнинг экологик маданиятини юксалтириш, соф ривожланиш механизмларини жорий этиш, экологик таълимни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш жараёнида табиатга ва инсон саломатлигига салбий таъсирларнинг олдини олиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш билан боғлиқ кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги кенг кўламли вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда табиатдан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофазалаш билан боғлиқ тадбирларда жамоатчилик назоратини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади.

Навбатдаги грант танлови ҳам мазкур йўналишдаги устувор вазифаларни изчил давом эттиришга йўналтирилган. Жумладан, грантлар аҳолининг экологик маданиятини янада юксалтириш, экотуризмни ривожлантириш, биохилмахилликни асраш, маиший чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлаш, қайта тикланувчи энергия манбаларини, инновацион технологияларни кенг татбиқ этиш каби қатор йўналишлардаги лойиҳаларга ажратилиши кўзда тутилган.

Тадбирда атроф-муҳит муҳофазаси ва тиббиёт йўналишида фаолият олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларига грант танловида иштирок этиш тартиби, лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқа қатор ташкилий масалалар ҳақида батафсил маълумот берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

Бухоро Вилояти

▼ ЧОРВАЧИЛИК

# БИРЛАШМА — КАМАРБАСТА

Қишлов учун озуқа захирасини яратиш чорвачиликда муҳим юмуш саналади. Бу борада шофирконлик чорвадорларга туман омихта ем сотиш бирлашмаси яқин кўмакчи вазифасини ўтаяпти.



Бу йил фермер хўжаликлари ҳамда аҳолига бирлашманинг 15 та махсус шохобчаси орқали шрот, шелуха, омихта ем маҳсулотлари, шунингдек, 3585 тонна дағал хашак етказиб бериш режалаштирилган.

Ҳозирда бирлашма омборхоналарида 2500 тоннага яқин сомон, беда пичани ва аралашган дағал хашак жамғариб қўйилди. Шунингдек, ғалладан бўшаган 83,3 гектар майдонга маккажўхори ва тариқ экилган бўлиб, яқин кунларда бу экинлар ҳам саранжомлаб олинади.

— Режалаштирилган озуқа захирасининг яратилиши туманимизда чорва қишловининг муваффақиятли ўтишига хизмат қилади, — дейди бирлашма раҳбари Акбар Ашуров.

**СУРАТДА:** *бирлашма мутахассислари Жўрабой Салимов ва Қаҳҳор Сафаров.*

**Ҳамроз АЛИ,**
**олган сурат.**

# БУНЁДКОРЛИК КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

**(Боши 1-саҳифада)**

— Юртбошимизнинг "Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори фаолиятимизда муҳим дастуриламал бўлаётир, — дейди тадбиркор Мўсинжон Меҳмонов. — 2009 йилда Қувасой шаҳри Чек-2 қишлоғида қўшма корхона ташкил этиб, шифер ишлаб чиқариш технологияси олиб келдик. 2010 йилнинг дастлабки ойидан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Энг муҳими, 140 та янги иш ўрни яратилди. Корхонада 3 навбатда иш ташкил этилиб, ишчиларга барча шарт-шароитлар яратилди.

2011 йилда қўшма корхонанинг иккинчи навбати ишга тушиши билан корхона тўла қувват билан ишлай бошлади. Ишлаб чиқариш икки баробарга ортиб, қўшимча тарзда 106 та янги иш ўрни яратилди. Янги ишга келганларнинг кўпчилиги шу атрофдаги қишлоқларда яшовчи ёшлар, касб-ҳунар коллежларини тугатган йигит-қизлар эди.

"Building materials production and trading group" МЧЖ шаклидаги мазкур қўшма корхонада ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, 2012 йилнинг биринчи ярим йиллигида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулот ҳажми 2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан 104 фоизга ошди. Сифат жиҳатидан ҳам ўсишга эришилди.



**СУРАТДА:** *(чапдан) цех бошлиғи Исмоил Собиров ва ишчи Асилбек Айсаев.*

Корхонада ишчиларни маънавий рағбатлантириш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Президентимиз томонидан 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан йил давомида турмуш қураётган, фарзандларига никоҳ ёки хатна тўйлари қилаётган ишчи-хизматчиларга, атрофдаги қишлоқларда яшаётган кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий ёрдам бериб келинмоқда.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳаларига, ҳудуддаги спортни ривожлантириш ишларига, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва ногиронларга ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиляпти. Шунингдек, корхона жамоаси Ўрикзор қишлоғида янги мактаб биноси қурилишига ҳамда компьютер ва бошқа замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшишди.

— Мамлакатимизда йил сайин тадбиркорларга янгидан-янги қулай имкониятлар яратиб берилмоқда, — дейди тадбиркор Мўсинжон Меҳмонов. — Бу имкониятлардан кенг ва унумли фойдаланишимиз, Мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодиётини ривожлантиришга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Шу мақсадда ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз турини янада кўпайтириш, сифатини ошириш, шунингдек бошқа турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш режаларимиз ҳам йўқ эмас.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

▼ МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

# ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАР ТАДБИРИ ЭЪТИБОРДА

**АНА ШУ ТАМОЙИЛ АСОСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН "АСАКА" БАНК ТОМОНИДАН ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР ЭВАЗИГА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ДАВРИДА 20 МИНГДАН ОРТИҚ ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛДИ.**

***Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Буни, аввалламбор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли фаровонлигининг йилдан-йилга ошиб бораётганлигида ҳам кўриш мумкин.***



Бу жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг муносиб улуши бор, албатта. Соҳа субъектлари фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш, жумладан, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, сифатли банк хизматларини таклиф этиш борасида молия муассасалари томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Натижада, улар учун янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва ички бозорни тўлдириш, шунингдек, хорижга экспорт қилишларига қўшимча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилмоқда.



Молия бозорида етакчилик мавқеини мустаҳкамлаб келаётган "Асака" Давлат акциядорлик тижорат банки томонидан амалга оширилаётган ишларда ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Мазкур молия муассасаси 26 та филиал ва 112 та минибанки орқали республикамиз бўйича 21 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликларига самарали хизмат кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида банк томонидан ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми 682,4 миллиард сўмни ташкил этди. Унинг 275,7 миллиард сўми инвестициявий кредитлардир. Эътиборлиси, иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилаётган сармояларнинг салмоқли қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Аниқроғи, мазкур соҳага ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий, инновацион ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этиш ва бошқа мақсадлар учун берилган кредитларнинг умумий ҳажми 382,8 миллиард сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 130,4 фоиз кўпдир. Шу билан бирга, кичик корхоналар, микрофирмалар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган микрокредитлар ҳажми 130 фоизга ўсиб, 22,8 миллиард сўмга етказилди. Шунга мос равишда ёш оилаларга бизнес фаолиятини йўлга қўйиш, уни ривожлантиришга йўналтирилган микрокредитлар ҳажми 135,1 фоизга ўсди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, ички истеъмол бозорини юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда имкониятлар эшигини кенгроқ очиб берди. Мазкур ҳужжат ижроси юзасидан ажратилган кредитлар ҳажми 86,4 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 130,4 фоизга ўсишга эришилди. Пировардида кўплаб янги иш жойлари очилиб, аҳолининг, айниқса, қишлоқ одамларининг бандлиги таъминланди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари томонидан 2009 йил 28 январда имзоланган "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига биноан 74,6 миллиард сўм миқдорида кредитлар берилди. Бу сармоялар рақобатбардош ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш каби истиқболли лойиҳаларга йўналтирилгани билан диққатга сазовордир.

Маълумки, қишлоқ аҳолисининг бандлигини ошириш, даромадини кўпайтиришда чорвачилик муҳим ўрин тутади. Шунинг учун юртимизда мазкур тармоқни ривожлантириш, уни молиявий қўллаб-қувватлаш доимий диққат марказида. Хусусан, жорий йилнинг саккиз ойида шу мақсадга банкимиз томонидан ўтган йилдагига нисбатан 121,8 фоиз кўп маблағ йўналтирилди. Табиийки, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Иқтисодиётимизда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаётган касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун 2,7 миллиард сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 62,3 миллиард сўм, тадбиркор аёлларнинг лойиҳаларини молиялаштириш учун 29 миллиард сўм ажратилди. Шунингдек, банкнинг Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ҳисобидан кичик бизнес субъектларига берилган кредитлар салмоғи ўтган йилдагига нисбатан 168,2 фоизга ошди.

Ушбу кредитлар нафақат Тошкент шаҳри ёки вилоят марказларидаги, балки мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари кўп бўлган чекка ҳудудларидаги тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини ҳам молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилаётгани билан эътиборга молик. Бунда асосий эътибор маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётир.

Сирасини айтганда, "Асака" банк томонидан жорий йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар эвазига 20 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Йил охирига қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтириладиган кредитлар миқдори 500 миллиард сўмга етказилиши режалаштирилган. Бу мазкур молия муассасасининг сармоялари мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлида муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётганини кўрсатади.

**Банк матбуот хизмати**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар якунларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

# ТАРАҚҚИЁТ ТАРҒИБОТИ

Унда маънавият тарғиботчилари, олимлар, ҳуқуқшунослар, ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманда Мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" ғоясини ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тарғибот тадбирларининг асосий мақсади ўтган давр мобайнида амалга оширилган янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусияти ва ривожланиш босқичларини кенг аҳоли қатламларига етказиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилган туб ислоҳотларнинг аҳамиятини очиб беришга қаратилганлиги таъкидланди.

— Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аҳолининг кенг қатламлари орасида "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" ғоясини ўзида мужассам этган маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, ёшлар фестиваллари, концерт тадбирлари ҳар томонлама мазмунли ташкил этилди, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Ғулом Мирзаев. — Улар халқимиз, айниқса ёшларимиз онги ва тафаккурида фидойилик ва Ватанга садоқат, порлоқ келажакка тўла ишонч туйғулари янада мустаҳкамланиб, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деган ғурур тобора қатъийлашишига хизмат қилди.

**З.АҲМЕДОВА**

● Реклама

**ТОШКЕНТ ШАҲАР МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ УЛУҒБЕК ШАҲАРЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

1. Қурилиш-таъмирлаш хизмат кўрсатиш бошқармаси маълум қилади, энергия ташувчи муҳит нархи ошиши муносабати билан 2012 йил 1 октябрдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси тарифи ҚҚС сиз 28300 сўм/Гкал миқдорида ва ҚҚС билан 33960 сўм/Гкал миқдорида белгиланди.

**УЛУҒБЕК ШАҲАРЧАСИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!**

2. КТХКБ Улуғбек шаҳарчаси аҳолиси эътиборига шуни маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит нархи ошиши муносабати билан 2012 йил 1 октябрдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф (нарх)лар белгиланади:

— марказий иситиш — 587-82 сўм/м²/ой (турар жой майдони)
иссиқ сув таъминоти:
— ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда — 5037-40 сўм/киши/ой;
— ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда — 1485-75 сўм/м³.

**ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ПРЕДПРИЯТИЙ И ОРГАНИЗАЦИЙ, РАСПОЛОЖЕННЫХ В ПОСЕЛКЕ УЛУГБЕК — МИРЗО УЛУГБЕКСКОГО РАЙОНА ГОРОДА ТАШКЕНТА!**

1. Ремонтно-строительное эксплуатационное управление п.Улугбек сообщает, что в связи с повышением стоимости энергоносящей среды с 1 октября 2012 года для предприятий и организаций тарифы на тепловую энергию устанавливаются в размере 28300 сум/Гкал без НДС,
с НДС — на 33960 сум/Гкал.

**ВНИМАНИЮ НАСЕЛЕНИЯ ГОРОДКА УЛУГБЕК!**

2. РСЭУ доводит до внимания населения городка Улугбек, что в связи с повышением стоимости энергоносящей среды с 1 октября 2012 года устанавливаются следующие тарифы (стоимость) за тепловую энергию и горячую воду:

— центральное отопление — 587-82 сум/м² за месяц (Жилая площадь);
обеспечение горячей водой:
— при отсутствии измерительных приборов — 5037-40 сум (чел.) за месяц;
— при наличии измерительных приборов — 1485-75 сум/м³.

НаВоий Вилояти

▼ «ЎЗПАХТАСАНОАТ» КОРХОНАЛАРИДА

# ҚЎШИМЧА ТАРМОҚЛАР ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТМОҚДА

**"Навоийпахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги корхоналарда тола сифатини яхшилаш, экспорт ҳажмини ошириш борасида эришилган муваффақиятлар даромаднинг кўпайишига тизимда янги корхоналар, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда.**



Масалан, бирлашма томонидан сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида "Зарафшонпахтасервис" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилган. Жамиятнинг асосий вазифаси пахта тозалаш корхоналарининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, мавжуд техника ва дастгоҳларни таъмирлашга йўналтирилган бўлиб, ўтган мавсумда бу борада кўнгилдагидек ишлар амалга оширилди.

Вилоятдаги фермер хўжаликлари учун сифатли уруғлик чигит тайёрлаб беришга ихтисослаштирилган махсус цех, биолаборатория ишининг йўлга қўйилгани ҳам қувончли ҳолдир. Бирлашмага қарашли "Пахтатранс" масъулияти чекланган жамияти эса хомашёни пахта тозалаш корхоналарига етказиб бериш билан шуғулланади. Яна бир МЧЖ — "Техника таъмирлаш ва таъминот" корхонаси пахта тозалаш корхоналарида барча таъмирлаш ишларини олиб боради ҳамда уларни моддий техник ресурслар билан таъминлаб туради.

Бирлашма қошида "Зарафшон" ип йигирув фабрикаси фаолиятининг йўлга қўйилгани 65 та янги иш ўрни яратилишига хизмат қилди. Ҳозир бу ерда кунига 1 тонна атрофидаги хомашё қайта ишланиб, тайёр ип-калава тўқимачилик корхоналарига етказиб беріляпти. Шу ўринда тизимдаги "Нотўқима" масъулияти чекланган жамиятининг пахта тозалаш корхоналари учун махсус матолар ишлаб чиқараётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Мавжуд учта пахта тозалаш заводларининг ҳар бирида паррандачилик фабрикаси ташкил этилган. Уларда 10 минг бошдан товуқ боқилаётгани ҳам қўшимча даромад манбаидир. Нурота туманида 30 минг товуққа мўлжалланган паррандачилик фабрикаси ташкил этилди. Бундан ташқари, бирлашма томонидан 18 гектар майдонда янги боғлар ташкил этилган. Жумладан, Кармана туманида 3 гектарлик интенсив боғ барпо этилди. Ёш ниҳоллар ораларига сабзавот ва полиз экинлари экиляпти. Етиштирилган маҳсулотларни қишки мавсумга сифатли сақлаш учун ҳам бирлашмада имкониятлар етарли. Ҳар бир пахта тозалаш заводида сиғими 150 тонна бўлган совиткич ишлаб турибди.



— Зиммамиздаги асосий вазифа фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган пахта ҳосилини сифатли қабул қилиб, сақлаш, қайта ишлаш, – дейди ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раиси в.б. Жаҳонқул Абдиев. – Мамлакатимизда пахта тозалаш корхоналарини модернизациялаш ва реконструкция қилишга жиддий эътибор қаратилаётгани тизимда қўшимча имкониятларни ҳам юзага келтирмоқда. Улардан самарали фойдаланиш бирлашмага ҳам, ишчиларга ҳам бирдек манфаатли. Тизимдаги пахта тозалаш ва уларга хизмат кўрсатиш корхоналаридан тортиб, янгидан ташкил этилган ип йигирув фабрикасию паррандачилик ёки боғдорчилик тармоғими, ҳамма-ҳаммасининг ишлари бир-бирига боғлиқ. Бугун эса барчамизнинг эътиборимиз пахта мавсумини муваффақиятли ўтказишга қаратилган.

Мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидаги сингари Навоийда ҳам пахта-йиғим теримига жадал киришилди. Дала ва пахта қабул қилиш пунктлари оралиғида янги ҳосил юкланган транспорт воситалари қатнай бошлади. Фермерлар ҳосилдорликнинг юқорилигидан, теримчилар даромадининг ошаётганидан мамнун. Пахтани қайта ишлаш саноати учун зарур бўлган сифатли хомашё эса пахта қабул қилиш масканларини тўлдира бошлади...

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

**«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

2012 йил 15 октябрь куни соат 12:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Нукус шаҳар, Буюк Ипак Йўли кўчаси, 7-уйда жойлашган **"Устюрт-геофизика" ОАЖ**га қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади: 1985 й. и/ч "УАЗ-3151201" русумли, д/р 95 714 ЕАА, бошланғич баҳоси 893 086,5 сўм; 1987 й. и/ч "УАЗ-31512" русумли, д/р 95 694 ЕАА, бошланғич баҳоси 993 754,5 сўм; 1988 й. и/ч "УАЗ-3151201" русумли, д/р 95 608 ЕАА, бошланғич баҳоси 893 086,5 сўм; 1983 й. и/ч "УАЗ-469Б" русумли, д/р 95 614 ЕАА, бошланғич баҳоси 1 350 815 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йилнинг 30 октябрь ва 15, 30 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Нукус шаҳар, А.Темур кўчаси, 112а-уй 4-қават 412-хонада ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktsion invest" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАКБ «Хамкорбанк» Нукус филиалидаги МФО: 01068, ИНН: 302083379. 20208000904932168010 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган холда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

**Қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус шаҳар, А.Темур кўчаси, 112а-уй 412-хона.**
**Телефон: (+8361) 222-11-73.**

**«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ 2012 ЙИЛ 18 ОКТЯБР КУНИ СОАТ 11:00 ДА БОШЛАНҒИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Аукцион савдосига Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2012 йил 6 июлдаги 1-3437/12-сонли ижро варақасига асосан, Самарқанд шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Амридинов Фурқатга қарашли бўлган, Самарқанд шаҳар, Нодирабегим кўчаси, 8-уйда сақланаётган, 2009 й. и/ч "Ласетти" русумли, д/р 30 Z 033 DA, бошланғич баҳоси 40 000 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситасини «Капиталбанк» ОАТБ Самарқанд филиали масъул ходими иштирокида танишиш мумкин. Мазкур куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2012 йил 5 ноябрь куни соат 11:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00дан 17:00га қадар Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-А уй, Вилоят давлат мулки бошқармаси биносининг 304-А хонасида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан бир иш куни аввал соат 11:00да тўхтатилади. Аукцион савдоси Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-А уй, 304-А хонада ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги (ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда) закалат пулини "Universal Auktsion Invest" МЧЖ Самарқанд филиалининг АТИБ «Ипотека банк» Кўксарой бўлими МФО-00262, СТИР 302083379, 20208000504932168015 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларини топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

**Қўшимча маълумот олиш учун манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-А уй, 3-қават, 304а-хона.**
**Тел: +99891 555-51-00.**

